

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2019 йил ноябрь ойининг 18 кунда жиноят ишлари бўйича Сароисиё туман суди Ёшлар Иттифоқи Сароисиё туман Кенгаши биносида, очик сайёр суд мажлисида, судья А.Қ.Мирзаевнинг раислигида, А.Салимовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Сароисиё туман прокурорининг катта ёрдамчиси А.Ачиллов, судланувчи Р.Алиқулов ва унинг ҳимоячиси Сароисиё туманидаги “Одиллик Мезони” адвокатлик бюроси адвокати Х.Салимов, жабрланувчилар Ш.Равшанов ва М.Шораҳматовнинг иштирокида, Р.Алиқуловга нисбатан 1-1911-1901/58 сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра,

Алиқулов Рахим Нормуродович (Aliqulov Rahim Normurodovich), 1984 йил 08 февраль куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати тожик, ўзбек тилини яхши биледи, таржимонга муҳтож эмас, фуқаролиги бўлмаган шахс, маълумоти ўрта-махсус, муқаддам судланмаган, депутатликка сайланмаган, бўйдоқ, вақтинчалик ишсиз, Сароисиё тумани, “Нуробод” маҳалласида яшайди, жиноят иши бўйича гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатнома нусхасини 2019 йил 30 сентябрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми «в» банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ҳамда ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Р.Алиқулов, 2019 йил 11 июль куни соат 11³⁰да Узун тумани “Ўзбекистон” маҳалласида жойлашган автомашиналар тураргоҳи ҳудудида жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, ўзи жамоат тартибини очикдан-очик бузаётганлигини онгли равишда англаган ҳолда ҳаракат қилиб, ўзига олдиндан таниш бўлган Ш.Равшанов билан жанжаллашиб қолиб, чўнтагида бўлган пичоқчани олиб, Ш.Равшановни чап томон кўкрак қафаси кўлтик ости соҳасига қасддан бир марта уриб, унга “Соғлигининг бузилишига сабабчи бўлган енгил тан жароҳати” етказиб, ўзининг ҳаракатларини давом эттириб, таниши Б.Нарзиев билан тортишиб турган М.Шораҳматовнинг олдига келиб, кўлида бўлган пичоқ билан М.Шораҳматовнинг бошини энса соҳаси, чап қош устки соҳаси ва чап курак устки соҳасига уриб, унга “Соғлигининг бузилишига сабабчи бўлган енгил тан жароҳати” етказган.

Судланувчи Р.Алиқулов суд муҳокамасида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам 2019 йил 09 июль куни Д.Хуррамовани илтимосига

асосан уни уйига труба ўтказиш учун борганлигини, ундан ташқари Ф.Ҳафизов деган уста Д.Хуррамованинг ювиниш хонасида аристон ўрнатиш ишлари билан шуғулланиб турганлигини, Д.Хуррамованинг уйига труба ўтказиб, чарчаб қолганлиги сабабли озроқ ухлаб қолганлигини, шу вақтда Ш.Равшанов келиб уни расмга тушириб олганлигини, бу ҳолатни уйқусидан турган вақтида Д.Хуррамова унга айтганлигини, кейин Ш.Равшановга кўнғироқ қилиб, телефонда у билан тортишиб қолганлигини, 2019 йил 11 июль куни соат 11³⁰ да таниши Б.Нарзиев билан Узун туман марказий бозорига футболка олиш учун борганлигини, таниши Б.Нарзиев билан катта бозорга бориш учун йўлни нарига томонига ўтган вақтида уни Ш.Равшанов кўриб қолиб ёнига чақирганлигини, Ш.Равшанов унга яқинлашиб, уни кўпол сўзлар билан ҳақорат қилиб, бўйнидан ушлаб, боши билан юзига бир марта урганлигини, у ўзини Ш.Равшановдан ҳимоя қилиш мақсадида чўнтагида бўлган майда пичоқчасини олиб, Ш.Равшановга яқинлашма деб пичоқчани силкилатган вақтида пичоқча Ш.Равшановни чап томон қовурғасига тегиб кетганлигини, шу вақт таниши Б.Нарзиевни йўлда ўтирганини кўриб қолиб, кўпайлашиб уришлари мумкин деб кўрканидан шу ерда бўлган М.Шораҳматовни боши ва елкасини курагига пичоқчани санчиб, уларни ёнидан қочиб кетганлигини, кейинчалик жароҳатлари безовта қилганлиги сабабли Сарийосиё туман марказий касалхонасига борганлигини, у ерда ётиб даволанганлигини, ҳозирда Ш.Равшанов ва М.Шораҳматов билан ўзаро келишиб, ярашиб кетишганлигини, Ш.Равшанов ва М.Шораҳматовни унга нисбатан даъволари йўқлигини, уни оилавий аҳволини, ёлғиз онаси ва 4 нафар ука-сингиллари билан бирга яшаб келаётганлигини, 3 нафар укаси ва синглиси ҳозирда олий ўқув юртларида контракт асосида ўқишлигини инобатга олиб, қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Жабрланувчи Ш.Равшанов судда 2019 йил 09 июль куни ўзининг ишлари билан юрган вақтида таниши Ф.Ҳафизов унга кўнғироқ қилиб, Д.Хуррамовани уйига келиб, аристонга полиэтилен труба ўрнатишга ёрдам беришини илтимос қилганлигини, Д.Хуррамовани уйига бориб, Ф.Ҳафизовга ёрдам берганлигини, ишлаётган вақтида Д.Хуррамовани уйига холасини ўғли Р.Алиқуловни ухлаб ётганини кўрганлигини, 2019 йил 10 июль куни соат 22⁰⁰ ларда Р.Алиқулов унга кўнғироқ қилиб, у билан тортишиб, Д.Хуррамовани уйига ётганини нима учун телефонига суратга туширганини сўраганлигини, Р.Алиқуловга телефони оддий “Нокиа” телефон эканини, суратга туширмаганини тушунтирганида, Р.Алиқулов уни кўпол сўзлар билан ҳақорат қилганлигини, 2019 йил 11 июль куни соат 11³⁰ ларда Узун туман марказидан уйига тарвуз сотиб олиш учун таниши М.Шораҳматовни олдига бориб, тарвуз танлаётган вақтида орқа томонидан уни кимдир ҳақорат қилганлигини, қараганида Р.Алиқулов ва уни ёнида кейинчалик билишича Б.Нарзиев турганини кўрганлигини, уларни икки киши эканини кўриб, ўзини таниши М.Шораҳматовдан бирга боришни сўраганлигини, Р.Алиқулов уни ўта кўпол сўзлар билан ҳақорат қилганлиги учун уни бўйнидан ушлаб олиб, боши билан юзига урганлигини, шу вақтда Р.Алиқулов чўнтагидан пичоқчасини олиб, унинг чап томон қовурғасига бир марта урганлигини, у ўзини бир томонга

олган вақтида Р.Алиқулов қўлидаги пичоқчани М.Шораҳматовни боши ва елкасини курагига санчиб, қочиб кетганлигини, ҳозирда Р.Алиқулов ундан кечирим сўраганлигини, Р.Алиқулов холасини ўғли бўлишлигини, Р.Алиқулов билан ярашиб олганлигини, шу сабабли унга нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб кўрсатув берди.

Жабрланувчи М.Шораҳматов судда 2019 йил 11 июль куни соат 07⁰⁰ларда ҳар доимгидек ишга келиб, тарвуз сотиб турганлигини, соат тахминан 11⁰⁰ларда унинг олдида таниши Ш.Равшанов келиб, уйига тарвуз олиб кетиш учун тарвуз танлаб турган вақтида кейинчалик билишича Р.Алиқулов келиб, тахминан 10 метр узоқликдан Ш.Равшановни ҳақорат қилганлигини, Ш.Равшанов Р.Алиқуловни олдида бораётган вақтида, Р.Алиқуловни ёнида шериги борлиги сабабли улар жанжал қилмасин деган мақсадда уларни орқасидан борганлигини, шу вақт Ш.Равшанов ва Р.Алиқулов бир-бири билан тортишиб кетишганлигини, кейинчалик билишича Б.Нарзиев ҳам улар томонга бораётганида, уни белидан ушлаб тўхтатиб, орқа томонга отиб юборганлигини, шу вақт Р.Алиқулов келиб, уни қўлидаги пичоқчани билан боши ва елкасини курагига санчиб, уларни ёнидан қочиб кетганлигини, ҳозирда Р.Алиқулов ундан кечирим сўраганлигини, Р.Алиқулов билан ярашиб олганлигини, шу сабабли унга нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ А.Собиров суд мажлисида ҳақиқатдан ҳам 2019 йил 11 июль куни ўз ишлари билан туман марказида юрган вақтида ИИБ ходимлари бир ишда холис сифатида иштирок этишини сўрашганлигини, ўзининг хоҳиши билан рози бўлиб, кейинчалик билишича Р.Алиқуловнинг кўрсатмасига асосан ИИБ ходимлари билан Узун туман марказидаги “Обизаранг” дарёси бўйидан дастаси сариқ ёғочли пичоқчани қидирилганида ва топиб олишга холис сифатида қатнашганлигини, бўлиб ўтган жанжални кўрмаганлигини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ Н.Нарзуллаева суд мажлисида Б.Нарзиев ўғли бўлишлигини, ўғли Б.Нарзиев ҳозирда ишлаш мақсадида Россия давлатига кетганлигини, 2019 йил 11 июль куни ўғли Б.Нарзиев кўчага чиқиб кетганлигини, кейинчалик уйига қайтиб келганида ундан қаердан келаётганини сўраганида, ўғли Б.Нарзиев унга ўртоғи Р.Алиқулов билан Узун туман марказига борганида Р.Алиқулов холасини ўғли Ш.Равшанов билан жанжал қилганини айтганлигини, ундан жанжалга қўшилган ёки қўшилмаганини сўраганида, ўғли Б.Нарзиев жанжалга аралашмаганлигини билдирганлигини, ўғли Б.Нарзиевни бирон жойида жароҳат бўлмаганлигини билдириб кўрсатув берди.

Суд, давлат айбловчисининг хулосасини, судланувчи Р.Алиқулов ва адвокат Х.Салимов, жабрланувчилар Ш.Равшанов ва М.Шораҳмедовнинг фикрларини тинглаб, Р.Алиқуловнинг айби ўзининг айбига иқрорлик кўрсатмаси, дастлабки олинган тушунтириш хатлари, суд-тиббий экспертиза хулосалари, сўроқ баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан исботланган деб ҳисоблайди.

Дастлабки тергов органи томонидан Р.Алиқуловнинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми «в» банди билан тўғри квалификация қилинган, чунки у безорилик, яъни жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимасдан, ўзи жамоат тартибини очикдан-очик бузаётганлигини онгли равишда англаган ҳолда ҳаракат қилиб, қўлидаги пичоқчасини қўллаб, Ш.Равшанов ва М.Шораҳматовларга “Соғлигининг бузилишига сабабчи бўлган енгил тан жароҳати” етказган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида “Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишнинг олдини олиш учун зарур ва етарли бўлган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги”, ушбу Кодекснинг 8-моддасида “Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозимлиги” кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида, “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши лозимлиги”, ушбу Қарорнинг 3-бандида, “ЖКнинг 8,54-моддалари мазмунига кўра жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги”, 5-бандида эса “Судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари кераклиги” ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи Р.Алиқуловнинг жиноий ҳаракатларини муҳокама қилиб, унинг айбига иқрорлигини, қилган ишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, жабрланувчиларнинг даъволари йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида баҳолаб, унинг ҳаракатларида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб баҳолайди.

Суд, судланувчи Р.Алиқуловга нисбатан жазо тайинлашда, унинг шахсини, қилмиши ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига киришини эътиборга олиб, юқоридаги Қонун ва Пленум қароридаги тушунтиришларга риоя қилиб, шунингдек унинг айбига иқрорлигини, қилган ишидан пушаймонлигини, оилавий аҳволини, Ёшлар Иттифоқи Сариосиё туман Кенгаши раиси З.Жалоловнинг Р.Алиқуловга енгиллик беришни сўраб, судга киритган илтимосномасини инобатга олиб, судланувчи Р.Алиқуловни жамиятдан ажратмаган ҳолда ҳам ахлоқан тузатиш мумкин деган фикрга келиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, Ўзбекистон

Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми «в» банди билан қонун санкциясида назарда тутилмаган жарима жазоси тайинлашни лозим топди.

Суд, иш юзасидан ашёвий далил деб эътироф этилган ва Узун туман ИИБда сақланаётган дастаси сариқ ёғочли, узунлиги 9 см, тиғ қисми 7 см бўлган ошхона пичоғини йўқ қилишликни, иш бўйича воқеа жойи видеотасвирга туширилган ва жиноят ишида сақланаётган бир дона “СД” дискни жиноят ишига қўшиб сақлашликни, иш бўйича жабрланувчиларнинг даъволари йўқлигини эътироф этишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И :

Аликулов Рахим Нормуродович (Aliqulov Raxim Normurodovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми «в» банди билан айбли деб топилсин.

Аликулов Рахим Нормуродовичга ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми «в» банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, энг кам ойлик иш ҳақининг ўн беш баравари ($202.730 \times 15 = 3.040.950$) миқдорда яъни 3.040.950 (Уч миллион қирқ минг тўққиз юз эллик) сўм жарима жазоси тайинлансин ва давлат даромадига ундирилсин.

Аликулов Рахим Нормуродовичга нисбатан танланган гаров эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Гаров сифатида олинган ва жиноят ишлари бўйича Сариосиё туман судида сақланаётган 75T940CA “TICO DAEWOO” русумли автомашинанинг транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси ҳукм қонуний кучга киргач гаров қўювчи А.К.Аллаяровга қайтарилсин.

Иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган ва Узун туман ИИБда сақланаётган дастаси сариқ ёғочли, узунлиги 9 см, тиғ қисми 7 см бўлган ошхона пичоғи ҳукм қонуний кучга киргач йўқ қилинсин.

Иш бўйича воқеа жойи видеотасвирга туширилган ва жиноят ишида сақланаётган бир дона “СД” диск ҳукм қонуний кучга киргач жиноят ишига қўшиб сақлансин.

Иш бўйича жабрланувчиларнинг даъволари йўқлиги эътироф этилсин.

Ҳукмдан норози томон ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида, судланувчи ва жабрланувчилар ҳукм нусхасини қўлга олган кундан бошлаб шу муддат ичида жиноят ишлари бўйича Сариосиё туман суди орқали жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судига апелляция тартибида шикоят, ҳукм қонуний кучга киргач, кассация тартибида шикоят, прокурор протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

(имзо)

А.Қ.Мирзаев

Аслига тўғри: